ХУДУДЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Уразалиев Бекзод Султанбаевич
УрДУ тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ. *Мазкур тадқиқотда ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Ҳудудий инвестиция фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ҳамда уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, ҳудудлар ўртасида инвестицияларни тақсимлашдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *инвестициялар, ҳудудлар, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, инвестиция лойиҳалари, иқтисодий ривожланиш.*

АННОТАЦИЯ. *В данном исследовании анализируется значение привлечения инвестиций в развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в регионах. Рассмотрены особенности региональной инвестиционной деятельности, источники финансирования инвестиционных проектов и их влияние на экономический рост. Также обоснованы проблемы распределения инвестиций между регионами и пути их решения.*

Ключевые слова: *инвестиции, регионы, малый бизнес, частное предпринимательство, инвестиционные проекты, экономическое развитие.*

ABSTRACT. *This study analyzes the importance of attracting investments for the development of small business and private entrepreneurship*

imrconf.com

in regions. The paper examines the features of regional investment activity, sources of financing investment projects, and their impact on economic growth. In addition, existing problems in the distribution of investments among regions and possible solutions are identified.

Keywords: *investment, regions, small business, private entrepreneurship, investment projects, economic development.*

Жамият тараққиётининг барча давирларида ривожланишнинг моҳияти, унинг сураътлари инсонларнинг маънавий камолоти юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, ўша мамлакатда жамият ижтимоий мезонлар асосида ривожланганлиги тарихдан маълум.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритиши билан иқтисодиётимизда бир қанча ўзгаришлар бўлишига олиб келди ва ўзининг бозор муносабатлари шароитига мос эркин ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлини танлаш имкониятини яратди. Иқтисодиётнинг барча сохаларида янги атамаларимиз ўз аксини топа бошлади. Инвестиция лойиҳаларини яратиш ва молиялаштириш хозирги бозор иқтисодиёти шароитида мухим ўрин тутади.

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар оқилона тармоқ, такрор ишлаб чиқариш ва худудий нисбатга эришишни, бирлаштириш ва хоказоларни кўзда тутади. Ҳозирги даврда “инвестициялар” тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда.

Инвестициялар маблағ сарфламоқ, яъни лотинча “инвестор” деган сўздан олинган бўлиб капитал харажатларнинг хажми, таркиби ва унинг асосий йўналишларини англатади. Инвестициялар мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида мамлакатда ёки чет элларда

imrconf.com

иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш деган маънони билдиради.

Бугунги кунда ҳудудларда инвестиция лойиҳалари тўғрисида кўплаб гапирилмоқда. Ҳудудларда инвестиция лойиҳаси тушинчасининг тобора кенг қўлланиши, аввалам бор ушбу янги атаманинг иқтисодий моҳиётини англаб олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ҳудудларда инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусияти унинг амалга оширилиши молиялаштиришнинг турли шаклларига мос тушиши билан изоҳланади. Бунда ҳудудларда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун турли манбалардан маблағларни жалб этиш мумкинлиги унинг қулайлигини, фойдалилигини, самарадорлигини ва афзаллигини оширади.

Ҳудудларда инвестиция лойиҳаларининг устивор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, ҳудудларда инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши ҳудудларда инвестиция лойихаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, ҳудудларда инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш усиулларини аниқлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруратини қўяди. Ҳудудлар инвестицион фаолиятида айниқса хорижий инвестициялар иштироки кучайиши билан бу масалалар аҳамияти ошиб боради. Ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини ташкил этиш ва молиялаштириш инвестицияларнинг турлари ва инвестиция бозорининг

imrconf.com

активлик даражаси унинг элементлари ўртасидаги нисбатига боғлтқ бўлади. Улар бозор конъюктурасини ўрганиш орқали аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудларда инвестициялар ташкил этиш ва молиялаштириш йўналишларини ўрганиш учун корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бир қанча тадбирлар ва инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳудудларда инвестиция лойиҳаларидан фойдаланишда муҳум йўналиш бўлиб, аниқ лойиҳа ва ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, маълум бир вақт давомида бутун жамиятнинг ихтиёрида бўлган инвестицияларни тақсимлашда уларнинг устиворлиги рақобатдан ташқарида қолади.

Ҳар бир ҳудуд учун инвестийион фаолиятнинг ҳолатини яна ҳам равшанроқ тушунишга имкон берувчи бундай ахборотнинг аналитик гуруҳларининг рўйхатини тузиш мумкин:

- Мутлоқ кўринишдаги асосий капиталдаги инвестициялар ва корхонанинг ўз маблағларига муносабати бўйича уларнинг таркиби;
- Ҳудуднинг иқтисодий тармоғи бўйича асосий капиталга қўйилган инвестиция таркиби;
- Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш доирасидаги асосий капиталга қўйилган инвестицияларининг ўзаро муносабати;
- Иқтисодиётни қайта шакиллантириш даврида асосий капиталдаги инвестиция индекслари;
- Хусусий корхоналарнинг асосий капиталдаги инвестицияси;
- Давлат иқтисодий секторининг инвестицион фаолият доирасига қаратган эътибори;
- Чет эллик инвесторларнинг мутлақ кўринишдаги инвестициялари;
- Чет эллик инвесторларнинг иқтисодиёт тармоғидаги инвестициялари.

imrconf.com

Тенгсизлик кўпинча ҳудудий жиҳатга эга бўлади. Деярли барча мамлакатларда ресурслар билан таъминланишда, даромадларда ва ўсиш суратларида ҳудудлар ўртасида узоқ вақт мобайнида сақланиб қолувчи тафовутлар мавжуд бўлади.

Даслабки шарт-шароит ҳудуд иқтисодиёти тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Айрим ҳудудларнинг қолоқлиги қатор омилларнинг ўзаро таъсирига, хусусан инвестицияларнинг паст даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ана шундай қолоқ вилоят, туманларда тенгликни тиклаш, кам тамъминланган оилаларни қашшоқлик жаридан чиқариб олишда инфратузилмасига хорижий инвестицияни сарфлаш ҳал қилувчи ахамиятга эга бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳудудлардаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнининг энг асосий қисмларидан бири ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Бунда бўлгуси инвесторларнинг ҳудудий манфатларини кўп даражада эътиборга олтш керак.

imrconf.com

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. – www.president.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.
4. Абдуллаев Ё.Қ., Юсупов М.А. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2021.
5. Грязнова А.Г., Федотова М.А. Финансы. – Москва: Юрайт, 2022.

6. Бочаров В.В. Финансовый менеджмент. – Санкт-Петербург: Питер, 2021.

7. Brealey R., Myers S., Allen F. Principles of Corporate Finance. – New York: McGraw-Hill, 2020.

8. UNIDO. Investment and Private Sector Development Report. – Vienna, 2022.

imrconf.com